БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№80 (225) 2018 йил 12 октябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 октябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражадаги музокараларда эришилган келишувлар доирасида кўп қиррали икки томонлама ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ўзаро савдо айланмаси ҳажми изчил ортиб, номенклатураси кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Ҳудудлараро ҳамкорлик салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Саноат, энергетика, транспорт-коммуникация, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда аниқ қўшма лойиҳалар бўйича ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Маданий-гуманитар, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларидаги фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги, бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Томонлар энг муҳим масалалар, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда самарали курашиш бўйича ёндашувлари муштарак эканини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МИСР БОШ ИМОМИ, АЛ-АЗҲАР МАЖМУАСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 октябрь куни юртимизга ташриф билан келган Миср Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари шайх Аҳмад Муҳаммад Таййибни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг шу йил 4-5 сентябрь кунлари Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлида тарихий қадам бўлганини таъкидлади.

Учрашувда бугунги кунда муқаддас ислом динининг бағрикенглик тамойилларини, маърифий қадриятларини тарғиб қилиш, унинг инсонпарварлик моҳиятини асраш, диний-маънавий меросни тадқиқ этиш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш борасида Ўзбекистон ва Мисрда катта ишлар қилинаётгани қайд этилди.

Хусусан, «Жаҳолатга қарши – маърифат» тамойили асосида исломнинг эзгу ғояларини замондошларимизга, биринчи навбатда, ёшларга етказиш мақсадида Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари Ал-Азҳар университети билан имзоланган ҳамкорлик меморандумлари диний уламолар, олимлар, малакали ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар алмашувини йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ал-Азҳар ўз таркибида ислом тадқиқотлари академияси, университет, маъҳадлар, жомеъ масжиди, бир қанча илмий марказларни бирлаштирган йирик расмий диний мажмуа ҳисобланади.

Миср Бош имоми давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этар экан, Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Аҳмад Таййиб мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга юксак баҳо берди. Ўзбекистонда ислом динининг асл моҳиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш, диний-маънавий меросни кенг тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган сиёсатни, БМТда Президентимиз илгари сурган қатор ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Меҳмон ислом дини равнақига катта ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Маҳмуд Замахшарий сингари буюк алломаларимизнинг бебаҳо илмий меросини биргаликда ўрганиш муҳим эканини қайд этди.

Шайх Аҳмад Таййиб Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг биринчи фахрий профессори унвони берилгани ўзи учун катта шараф ва эҳтиром экани ҳамда масъулият юклашини билдирди.

Миср Бош имоми Халқаро ислом академияси таркибида Ал-Азҳар университети кафедрасини ташкил этиш, мисрлик таниқли олимларнинг юртимизда дарс бериши, Ал-Азҳар магистратурасида талаба ва ёш олимларимизнинг имтиёзли таҳсил олиши, икки давлат уламоларининг қўшма Фатво ҳайъатини тузиш ҳамда биргаликда илмий анжуманлар ва қўшма тадбирлар ўтказиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлади.

Юқори мартабали диний арбоб Мисрнинг Ўзбекистон билан муносабатларни нафақат таълим ва гуманитар соҳаларда, балки барча жабҳаларда изчил ривожлантириш ва янги босқичга кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатлари қатъий эканини таъкидлади.

**ЎзА**

Ташаббус – 2018

## Ишбилармон ва ташаббускорлар кўриги




Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи якунланди.

Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 560 дан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашиб, улардан 60 нафари ғолиб сифатида вилоят босқичида иштирок этди. Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқали драма театрида ўтказилган тадбир доирасида ташкил этилган кўргазма ҳам ҳудудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати яхшиланаётганини намойиш этди.

Вилоятда ислоҳотлар натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилаётгани, фермерлар фақат деҳқончилик билан эмас, балки ўзлари етиштираётган маҳсулотларни қайта ишлаётгани, миллий ҳунармандчилик йилдан-йилга ривожланиб бораётгани таъкидланди.

*(Давоми 4-бетда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ВА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА СОТИШ ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги «Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3939-сон қарорига асосан жойларда тадбиркорлик ва инвестиция фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг фаолияти натижалари бўш турган давлат мулки объектларини сотиш ва ер участкаларини беришда тадбиркорлик ва инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилаётган бир қатор ортиқча бюрократик тартиботлар ва қийинчиликларни бартараф этиш бўйича қўшимча чоралар кўриш заруриятини кўрсатди.

Республика ҳудудларида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат рақобат қўмитаси), Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – «Давергеодезкадастр» қўмитаси), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларига қуйидаги ҳуқуқларни беришни назарда тутувчи **давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотиш тартибини соддалаштириш бўйича эксперимент** (кейинги ўринларда – эксперимент) ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

*(Давоми 2-, 3-бетларда)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## БУХОРО ВИЛОЯТИДА КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат мулкининг ва давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи жамиятларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шароитларни шакллантириш, янги рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга алоҳида ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Бухоро вилояти ҳокимлигининг Бухоро вилоятида давлат мулкининг ва давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектлари негизида 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича кичик саноат зоналарини (кейинги ўринларда – КСЗ деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда бир ой муддатда фойдаланилмаётган тегишли ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларининг Бухоро вилояти ҳокимлигига белгиланган тартибда ўтказилишини, шунингдек, давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи жамиятлари бошқарув органларининг мажлисларида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларни уларнинг устав жамғармаларидаги давлат улушини ва хўжалик бошқаруви органларининг улушини тегишли равишда ўтказилаётган активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати суммасига камайтирган ҳолда, ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Бухоро вилояти ҳокимлигига топшириш масаласи кўриб чиқилишини таъминласин.

*(Давоми 2-бетда)*









O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектларига электрон рақамли имзо олинишини ва ўтказиладиган савдоларда уларнинг фаол иштирок этишини таъминлайди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

# ДАВЛАТ МУЛКИ ОБЪЕКТЛАРИНИ ВА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА СОТИШ ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда)*

эксперимент доирасида лойиҳанинг амалга оширилишида юзага келадиган давлат мажбуриятларини молиялаштириш манбаларини таъминлаш;

маданий мерос объектларини сақлаш ва атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш;

ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган ва турли хил қонунни бузиш билан боғлиқ бўлган мурожаат ва шикоятларга тезкор жавоб бериш.

17. Қуйидагилар:

Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари – фаолият юритмаётган ёки қурилиши тугалланмаган давлат объектларини пухта хатловдан ўтказиш, уларни аукцион орқали сотиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш, тадбиркорлик субъектларига сотилган объектларни ўз вақтида расмийлаштириш;

«Давергеодезкадастр» қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари раҳбарлари – фойдаланилмаётган ерларни пухта хатловдан ўтказиш, уларни аукцион орқали сотиш учун ҳужжатларни тайёрлаш, «YER ELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимининг узлуксиз ва тўғри ишлаши, шунингдек, тупроқ бонитировкаси ишларининг ишончлилиги, тўлиқлиги ва сифатлилигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар қурилиш бош бошқармалари, қурилиш соҳасида назорат бўйича ҳудудий инспекцияларнинг раҳбарлари – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган ер участкаларининг жойлашиш схемасини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ҳududнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сифатли тайёрлаш, тадбиркорлик субъектларининг шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этиши, қурилиш-монтаж ишлари сифатини таъминлаш;

Мажбурий ижро бюроси ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК раҳбарлари – электрон савдо тизимининг узлуксиз ва тўғри ишлаши, давлат мулки объектлари ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни савдога чиқариш;

ҳудудий танлов комиссиялари ва хусусийлаштириш бўйича комиссиялар раҳбарлари, шунингдек, уларнинг аъзолари – ўзлари вакиллик қилаётган давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларининг масъулиятига доир функцияларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши, шунингдек, бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоят ҳокимлари раҳбарлигида инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларнинг миқдори ва турларини белгилашда шахсан жавобгарлиги белгилансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектларига электрон рақамли имзо олинишини ва мазкур Фармонга мувофиқ ўтказиладиган савдоларда уларнинг фаол иштирок этишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Белгилансинки, эксперимент 2019 йилнинг 1 апрелига қадар ўтказилади.

21. Давлат рақобат қўмитаси, «Давергеодезкадастр» қўмитаси 2019 йилнинг 1 апрелига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига эксперимент ўтказиш натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотларни қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар билан биргаликда киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 11 октябрь


## СОҲАГА ТЕГИШЛИ ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Қашқадарё сув қурилиш инвест» ДУК

### қуйидаги мелиорация объектлари бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

1. «Ғузор туманидаги «Шакарбулоқ» ва «К-2» коллектори тизимидаги коллекторларни таъмирлаш-тиклаш» (2-босқич).

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** – 59,0 млн сўм (ҚҚС сиз).

**Объект қуввати** – 57,13 км коллектор.

**Ишларнинг бажариш муддати** – 25 кун.

2. «Қамаши туманидаги «Қамай-Жонбузсой» коллектори тизимидаги коллекторларни таъмирлаш-тиклаш».

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** – 88,8 млн сўм (ҚҚС сиз).

**Объект қуввати** – 100,4 км коллектор.

**Ишларнинг бажариш муддати** – 30 кун.

3. «Косон туманидаги «СК-5» коллектори тизимидаги коллекторларни таъмирлаш-тиклаш» (2-босқич).

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** – 44,4 млн сўм (ҚҚС сиз).

**Объект қуввати** – 81,6 км коллектор.

**Ишларнинг бажариш муддати** – 30 кун.

4. «Миришкор туманидаги хўжаликлараро «СВ-1» коллектори тизимидаги коллекторларни таъмирлаш-тиклаш» (1-босқич).

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** – 81,4 млн сўм (ҚҚС сиз).

**Объект қуввати** – 67,7 км коллектор ва ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи – 12,0 км.

**Ишларнинг бажариш муддати** – 30 кун.

5. «Миришкор туманидаги хўжаликлараро «УК-1» коллектори тизимидаги коллекторларни таъмирлаш-тиклаш».

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** – 59,2 млн сўм (ҚҚС сиз).

**Объект қуввати** – 56,7 км коллектор ва ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи – 6,5 км.

**Ишларнинг бажариш муддати** – 25 кун.

6. «Нишон туманидаги «ЮВ-5» коллектори тизимидаги коллекторларни таъмирлаш-тиклаш».

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** – 62,5 млн сўм (ҚҚС сиз).

**Объект қуввати** – 56,0 км коллектор.

**Ишларнинг бажариш муддати** – 25 кун.

7. «Касби туманидаги «33-К-1» коллектори тизимидаги коллекторларни таъмирлаш-тиклаш».

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** – 45,0 млн сўм (ҚҚС сиз).

**Объект қуввати** – 30,7 км коллектор.

**Ишларнинг бажариш муддати** – 20 кун.

8. «Қарши ва Касби туманларида тик дренаж қудуқларни таъмирлаш-тиклаш».

**Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи** – 55,5 млн сўм (ҚҚС сиз).

**Объект қуввати** – 42 дона қудуқ.

**Ишларнинг бажариш муддати** – 25 кун.

**Диққат:** танловда қатнашувчи лойиҳа ташкилотлари сув хўжалигига тегишли объект ва иншоотларнинг лойиҳалаштириш талабларига тўлиқ жавоб берадиган лицензияси ва мутахассислари бўлиши шарт.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Қашқадарё сув қурилиш инвест» давлат унитар корхонаси.

**Танлов ташкилотчиси:** Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Қашқадарё сув қурилиш инвест» давлат унитар корхонаси.

**Лойиҳани молиялаштириш манбаси**: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Лойиҳани молиялаштириш шартлари**: 15 фоиз бўнак, лойиҳа вилоят сув хўжалиги техник кенгашида кўриб чиқилиб, тегишли давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг қолган 85 фоиз маблағ белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома (хат) билан «Қашқадарё сув қурилиш инвест» давлат унитар корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:** Қарши шаҳри, «Чапқирғоқ» кўчаси, 1-уй.

**Телефон:** 75-226-40-17,

**факс:** 75-226-12-40.

Таклиф (оферта)лар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

**Таклиф (оферта)ларни танлов ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати** – оферталар очилиши кунигача.

Танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 10 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

## «Universal Realtor» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

«Chinobod-Satvaldikov Jamshid» фермер хўжалигига қарашли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Чинобод» ҚФЙ ҳудуди 2,53 гектар ер майдонида жойлашган 640 туп олма дарахти. **Бошланғич баҳоси** – 12 899 773 сўм;

«Chinobod Begzod agro» фермер хўжалигига қарашли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Чинобод» ҚФЙ, «Мустақиллик» МФЙ ҳудуди 2,52 гектар ер майдонида жойлашган 640 туп олча дарахти. **Бошланғич баҳоси** – 5 321 157 сўм;

«Chinobod-Sotvoldikov Doniyor» фермер хўжалигига қарашли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Чинобод» ҚФЙ, «Мустақиллик» МФЙ ҳудуди 2,85 гектар ер майдонида жойлашган 195 туп гилос, 265 туп олма дарахти. **Бошланғич баҳоси** – 8 289 112 сўм.

Савдо ғолибига савдоларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни савдо ташкилотчисига тўлаб бериш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси 2018 йил 12 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Истиқбол» кўчаси, 15-уйда ўтказилади.

Талабгорлардан буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2018 йил 8 ноябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Ушбу кундаги савдоларда мулклар сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари мулк сотилгунга қадар ҳафтанинг ҳар душанба кунлари соат 10.00 да юқорида кўрсатилган манзил ва шартларда ўтказилади.

Такрорий савдолар бўйича талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир иш куни олдин соат 10.00 да тўхтатилади.

**Талабгорлар буюртманомани савдо ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишлари лозим:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси;

ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖнинг АТБ «Капитал Банк» Тошкент шаҳар филиалидаги МФО 00445 СТИР 302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Маълумот олиш учун манзил**: 100047, Тошкент шаҳри, «Истиқбол» кўчаси, 15-уй.

**Телефон/факс**: 71-150-35-55.

**E-mail:** universal.realtor@mail.ru

*Хизматлар лицензияланган. RR-0127 сонли лицензия.*

Тошкент шаҳар Яккасарой туман БТИси томонидан Максудходжаева Юлия Борисовна номига берилган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 89-б уй, 13-хонадонга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **бекор қилинади**.

Тошкент вилояти Зангиота туман БТИси томонидан Тиловбаева Раъно Алламбергеновна номига берилган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Қатортол» ҚФЙ, Ўратепа маҳалласи, Токзор-2 кўчаси, 3-уйга тегишли кадастр ҳужжатлари (№1204, ТА1989885, 12.02.2014 й.) йўқолгани сабабли **бекор қилинади**.

Тошкент шаҳар Чилонзор туман БТИси томонидан Имомов Шокир Омонович номига берилган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон массиви, 59-уй, 3-хонадонга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **бекор қилинади**.

## ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## АО «Навоиазот»

### объявляет тендер

**По объекту:** «Строительство комплекса производств поливинилхлорида (ПВХ), каустической соды и метанола на базе АО «Navoiyazot». Заход-выход ВЛ 220КВ Л-17-Х-2 на ГПП 220/10-10КВ «ПВХ» и переустройства ВЛ 110 КВ».

**Стартовая стоимость заказчика составляет** – 14 010 599 890 сум без НДС;

16 812 719 868 сум с НДС.

**Срок окончания работ, установленный заказчиком** – 3 месяца.

**Заказчик:** АО «Навоиазот».

**Адрес:** город Навои, улица Навои-5.

Финансирование проекта будет осуществляться за счёт собственных средств АО «Навоиазот».

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям:** иметь соответствующую лицензию, оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета тендера или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных тендерному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

**При участии в тендере отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки тендерных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков:** при проведении оценки тендерных предложений участников тендерные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

**Для участия в тендере необходимо обратиться с запросом к организатору торгов – Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу:** г. Навои, ул. Зарапетян, 10.

**Тел.:** 36-220-50-03, 36-220-50-04.

Приобретения тендерной документации в специальном информационном портале http://exarid.uzex.uz или у организатора тендера.

**Оферты принимаются организатором тендера по адресу:** г. Навои, ул. Зарапетян, 10.

**Тел.:** 36-220-50-03, 36-220-50-04.

Крайний срок представления оферт организатору тендера до истечения 30 календарных дней после публикации объявления на специальном информационном портале.

**Вскрытие оферт состоится по адресу**: г. Навои, ул. Зарапетян, 10 не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в специальном информационном портале, а также в газете (дату и время сообщим дополнительно).

## ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига ТИФ Миллий банк қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2018 йил 9 октябрдаги 1333-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги мулк чиқарилган:**

Навоий вилояти, Нурота туманида жойлашган «Нурота деҳқон бозори» бир қаватли мажмуаси. **Умумий майдони** – 4200,0 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 876,0 квадрат метр, 2 та корпусдан иборат. **Бошланғич баҳоси** – 1 694 753 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 15 ноябрь соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 21 ноябрь ва 27 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

**- юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

**- жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда, расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкнинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиалидаги МФО 01121 СТИР 207122519, 2260 4000 2049 2060 9001 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил**: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, «Қорақамиш-1» кўчаси, 1-«А» уй.

**Тел.:** 71-228-80-27, 71-228-80-26.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

**Веб-сайт:** www.1kms.uz.

*Хизматлар лицензияланган. RR-0001 сонли лицензия.*

## «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ

### объектнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Агрокимёҳимоя» ҲАЖга қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади:

1. Китоб тумани, «Бектемир» МФЙ, Алакўйлак қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 800,0 квадрат метр бўлган омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 111 906 865 сўм.

2. Китоб тумани, «Жилисув» МФЙ, Жилисув қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 111,72 квадрат метр бўлган дала шийпони биноси. **Бошланғич баҳоси** – 55 349 138 сўм.

3. Шаҳрисабз тумани, «Тўдамайдон» МФЙ, Водариғ қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 5664,0 квадрат метр бўлган омборхона биноси. **Бошланғич баҳоси** – 303 924 833 сўм.

4. Ғузор тумани, «Чаноқ» МФЙ, Мустақиллик қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 5000,0 квадрат метр бўлган маъмурий ва ёрдамчи бинолар. **Бошланғич баҳоси** – 38 972 023 сўм.

5. Чироқчи тумани, «Наврўз» МФЙ, Наврўз қишлоғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 1500,00 квадрат метр бўлган минерал ўғит сақлаш омбори биноси. **Бошланғич баҳоси** – 76 518 114 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 14 ноябрь куни соат 10.00 дан бошлаб «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биносида ўтказилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) «**Ixtisoslashgan kim oshdi savdo**» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, 4-митти туман, **мўлжал**: «Парвина» кафесининг ёни)да қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш 2018 йил 13 ноябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш ва тўловларни сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар кўрсатилган объектни сотиб олиш учун буюртманома, «Закалат пули тўғрисида келишув»га асосан савдога қўйилган объект бошланғич баҳосининг 15 ( ўн беш ) фоизи миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона (ташкилот) низоми ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** «Ixtisoslashgan kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилоят филиали ҳисоб рақами 2020 8000 5049 4256 0001, МФО 00190 СТИР 302126648.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.

**Мўлжал:** «Парвина» кафеси.

**Телефон:** (+99895) 505-08-99

**E-mail:** ikoskarshi@yandex.com

**Расмий сайт:** www.ikos.uz

*Хизматлар лицензияланган. RR-0111сонли лицензия.*

Лойиҳага мувофиқ янги ташкил этилган «НСЖ Инжиниринг Боёвут» МЧЖ қўшма корхонасида маиший хўжалик жиҳозлари ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Тўлиқ ишга тушганидан сўнг корхонада юзлаб янги иш ўринлари яратилади.



# Нуротанинг сифатли мармар ва гранитлари

Навоий вилояти Нурота туманидаги «Marmarstandart» масъулияти чекланган жамияти мармар ва гранит ишлаб чиқаришга ихтисослашган.



– Бу ерда 40 кишининг бандлиги таъминланган, – дейди корхона раҳбари Отабек Олимов. – Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2016 йилда ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этдик. Айни пайтда ойига 7 минг квадрат мармар, мармар қатлами ҳамда гранит тайёрланмоқда.

Тайёр маҳсулот буюртма асосида ички бозордан ташқари қўшни Қозоғистон ва Тожикистон давлатларига ҳам етказиб берилмоқда.

**Суратларда:** Навоий вилояти Нурота туманидаги «Marmarstandart» масъулияти чекланган жамиятида.

**Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Сирдарёга Жанг Ил Квеон ташриф буюрди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳа сармоядори – Жанубий Кореянинг «НСЖ Инжиниринг» компанияси директори Жанг Ил Квеон бошчилигидаги делегация Сирдарё вилоятига ташриф буюрди. Делегация аъзоларини вилоят ҳокими Ғ. Мирзаев кутиб олди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу компания умумий қиймати 250 млн АҚШ долларига тенг бўлган инвестицион лойиҳани Боёвут туманида ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилган. Лойиҳага мувофиқ янги ташкил этилган «НСЖ Инжиниринг Боёвут» МЧЖ қўшма корхонасида маиший хўжалик жиҳозлари ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Тўлиқ ишга тушганидан сўнг корхонада юзлаб янги иш ўринлари яратилади.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, делегация аъзолари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда лойиҳани ишга тушириш истиқболлари муҳокама қилинди. Ўз навбатида, жаноб Квеон бугунги кунда вилоятда хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда «НСЖ Инжиниринг Боёвут» МЧЖ лойиҳасининг амалга оширилишида кўрсатилаётган амалий ёрдам учун вилоят ҳокимига ўз миннатдорлигини билдирди.

Музокаралардан сўнг, делегация аъзолари лойиҳани амалга ошириш учун Боёвут тумани, «Навбаҳор» МФЙ ҳудудидан ажратилган ер майдонида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишдилар. Ташриф сўнгида «НСЖ Инжиниринг» раҳбари тез орада лойиҳага инвестиция киритиш масалалари юзасидан компания бошқарув кенгаши йиғилиши ўтказилишини маълум қилди.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Салоҳиятли ёшлар маскани

Наманган муҳандислик-технология институти халқ хўжалигининг турли йўналишлари учун салоҳиятли мутахассислар тайёрлаб келмоқда.



Институтнинг енгил саноат технологияси, муҳандислик-технология, кимё-технология, автоматика ва энергетика, қишлоқ хўжалиги технологияси факультетларида 3 минг 500 дан зиёд йигит-қиз таҳсил олмоқда. Талабалар замонавий билимларни ўзлаштириши, илм-фан чўққилари сари интилиши, амалий изланиши учун бу ерда етарли шароит яратилган.

**Суратда:** Наманган муҳандислик-технология институтида.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Президентимизнинг 2018 йил 11 сентябрдаги «Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Фарғона вилоятида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

# Тадбиркор кўпайса, халқ бой бўлади



Республика ишчи гуруҳи томонидан туман ва шаҳарларда тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотлар бўлиб ўтди. Вилоят Тадбиркорлар марказида бўш турган бино ва ер майдонлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

Тадбиркорларга истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадини кўзлаган бундай амалий саъй-ҳаракатлар кўламини оширишга эътибор ортаётганидан ишбилармонлар мамнун.

**Суратда:** Фарғона вилоят Тадбиркорлар марказида ташкил этилган бўш турган бино ва ер майдонлари ярмаркасида.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Қўллари дард кўрмасин

Ўз фаолияти давомида мамлакатимизда, ҳар бир шаҳар ва туманда янги ишлаб чиқариш корхоналари, шифохона, мактаб, муҳташам уй-жойлар, йўл ва кўприклар барпо этиб, турмушимизни гўзал ва фаровон, янада обод қилаётган соҳа ходимлари – қурувчиларнинг фидокорона, шарафли меҳнати ҳақида бугун ҳар қанча тасанно айтсак арзийди.

Буни биргина бизнинг қишлоқдаги соғлиқни сақлаш муассасаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган асрда қад ростлаган участка касалхонаси биносида қисқа фурсатда катта ҳажмдаги реконструкция ишлари амалга оширилдики, буни биз фахр-ифтихор билан таъкидлашимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Қарийб ўн беш йилдан буён бунёдкорлик юмушларини бажариб, элда шуҳрат қозонган «Бинокор» масъулияти чекланган жамият ишчи-хизматчиларининг қўллари ҳақиқатдан гул экан. Улар эски бинони янгича тарзда замонавий илм-фан ва инновация ютуқлари асосида таъмирлаганлиги айниқса мақтовга сазовор. Жамоамиз эндиликда шинам, ёруғ ва озода хоналарда фаолият юритаётганлиги барчани хушнуд этмоқда. Бунда корхона раҳбари, тажрибали мутахассис Нуриддин Бобоев бошчилигидаги усталарга миннатдорчилик билдиришни истардим. Қолаверса, иморатга зеб бериш, безашда «Мензулла сервис» МЧЖ лойиҳачилари муносиб улуш қўшганликларини алоҳида таъкидлаш лозим.

**Неъматилло БЎРОНОВ,**
**Ургут туманидаги**
**Жозмон қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири.**

# Ишбилармон ва ташаббускорлар кўриги

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ҳакамлар ҳайъати тадбиркорларнинг фаолиятини баҳолашда ишлаб чиқариш кўрсаткичи, маҳсулот сифати, рақобатбардошлиги ва экспортга мослигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Саноат соҳасида Фориш туманидаги «Mega invest industrial» масулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонаси раҳбари Ёрқин Тилабов, хизмат кўрсатиш йўналишида Зомин туманидаги «Азим Зомин шифо» МЧЖ раҳбари Ойбек Маматқулов «Йилнинг энг яхши тадбиркори», Жиззах шаҳридаги »Luxury Furniture Business» МЧЖ раҳбари Дилшод Ҳусанов «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори», Ғаллаорол туманидан Барно Нарзуллаева «Йилнинг энг яхши ҳунарманди», Дўстлик туманидаги «Мирзо Маҳмуд МММ» фермер хўжалиги раҳбари Мирзамаҳмуд Бўтаев «Йилнинг энг яхши фермери», деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

– Бу йил ички бозорга 10 тонна гўшт, 12 тонна сут етказиб бердик, – дейди «Мирзо Маҳмуд МММ» фермер хўжалиги раҳбари Мирзамаҳмуд Бўтаев ЎзА мухбири Тошқул Бекназаровга. – Хўжалигимизда Украинадан келтирилган зотдор моллар боқилмоқда. Кўрик-танловда қатнашиш жараёнида фаолиятимизни янада кенгайтириш бўйича янги йўналишлар билан танишдик. Келгусида ўзимиз етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Танлов якунида «Ёшларга энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳачи», «Энг яхши экспортчи», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиби», «Йилнинг энг яхши маҳсулоти» ва «Энг масъулятли ижтимоий шерик» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Долзарб мавзу

Бир танишим газ идорасидан маълумотнома олиш учун уч-тўрт кун овора бўлдим, деганида тўғриси, ишонмаган эдим. «Агар қарзинг бўлмаса, борсанг, ёзиб бераверади-да», дегандим ўшанда. Афсуски, танишим ҳақ бўлиб чиқди...

# Маълумотнома олиш машмашаси

## ёхуд одамларни сарсон қилишнинг андижонча усули

Ўзим яшаётган хонадон учун табиий газ истеъмоли бўйича қарздорлик йўқлиги ҳақида маълумотнома зарур бўлиб қолди. Табиийки, «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти «Андижонгаз» филиали Андижон шаҳар газ таъминоти участкаси идорасига мурожаат қилдим. Менга ўзим яшайдиган ҳудудга бириктирилган Мажбурий ижро бюроси ходимига учрашишим кераклигини, у тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб беришини, шундан кейингина маълумотнома олишим мумкинлигини айтишди.

Мажбурий ижро бюросининг ҳудуддаги вакили билан учрашдим, у газ ҳисоблагични текширди, тўлов ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқди ва белгиланган тартибда хатлов далолатномаси тузиб, қўлимга берди. Далолатномани олиб, яна шаҳар газ таъминоти участкаси идорасига бордим. Энди мутахассислар менга Андижон шаҳар Мажбурий ижро бюроси идорасида газ идорасининг вакили доимий равишда ўтиришини, хатлов далолатномасини топшириб, ўша ердан маълумотнома олишимни билдиришди.

Шанба куни эди. Соат тахминан 10.00 да Андижон шаҳар МИБ идорасига бордим. Иш қизғин, МИБчилар фуқароларни қабул қилмоқда. Хатлов далолатномасини кўрсатиб, газ идораси ходими зарурлигини, қарздорлик йўқлиги ҳақида маълумотнома олишим кераклигини айтдим. Лекин газ идораси вакили ҳали келмаган экан. «Ҳозир келиб қолади», дейишди. Кутдим. Қарийб бир соат ўтди, келмади. Яна суриштирдим. МИБ ходимлари газ идораси вакили йиғилишда эканини, тушдан кейин бўлишини айтишди. Ноилож, қайтиб кетдим. Менинг ҳам ишларим бор-да, ахир. Ўша куни соат 15.00 ларда яна МИБга келдим. Лекин газ идорасининг вакили ҳамон йўқ эди.

Орадан якшанба, душанба (1 октябрь – дам олиш куни) ўтди. 2 октябрь, сешанба куни эрталаб соат 10.00 ларда Андижон шаҳар Мажбурий ижро бюроси идорасига яна бордим. Одам кўп, навбатга турдим. Соат 11.30 ларда ҳартугул навбатим келди. Далолатномани газ идораси вакилига топшириб, қарздорлик бўйича маълумотнома беришини сўрадим. У далолатномани кўриб, компьютердаги базасини текширди, МИБ базасидан ҳам текширтирди. Ўн беш дақиқалар ўтиб, менга қарздорлигим йўқлиги ҳақида имзо чекилган маълумотнома бланкасини берди ва энди шаҳар газ идорасига бориб, муҳр қўйдириб оласиз, деди. Очиғи, бундай тартибдан ҳайратга тушдим. Бир неча марта қатнаганим, яна қаергадир боришим кераклигини эшитиб, табиийки, жаҳлим чиқди.

– Бундай ҳолат бугун бўляптими ёки доимо шундайми, – деган саволимга шу куни хизмат кўрсатган газ идораси вакили маълумотнома олмоқчи бўлганларни газ идорасига юбораётганини айтди. Ходимнинг бундай бамайлихотир жавобидан фиғоним фалакка чиқди. Ахир, Президентимиз ташаббуси билан бугун одамлар давлат идораларга эмас, улар одамлар олдига бораётган, аҳолига барча қулайликлар яратилаётган бир пайтда бундай ҳолатни тасаввурга сиғдириш қийин-да.

Нима учун газ идораси вакили муҳр билан ёки муҳр босилган маълумотнома билан ўтирмайди? Ахир МИБ билан газ идорасининг ораси тахминан 3-4 чақирим келади. Қолаверса, йўли умуман тескари, шахсий автомобили бўлмаган киши иккита транспорт билан бориши керак ёки такси ушлаши лозим. «Уловидан тушови қиммат», деганлари шу бўлса керак-да?! Қанча одам овора бўлади, қанча вақт беҳуда кетади. Энг муҳими, фуқароларда давлат идораларига ишончсизлик пайдо бўлмайдими? Шу ҳақда ўйлаб кўрармикан бу идорадагилар?

– Биз газ таъминоти идораси раҳбариятига одамларни овора қилмаслик учун шу ернинг ўзида маълумотномани расмийлаштириб беришни йўлга қўйишни сўраб хат юборганмиз, – дея ҳолатга ойдинлик киритмоқчи бўлди МИБ ходимлари.

Балки ростдир, агар шундай қилинса, қанча оворагарчилигу сансалорликка барҳам берилган бўларди.

...Муҳр қўйдириш учун газ идорасига борганимда тушлик бошланган, табиийки, барча эшиклар берк эди. Менга ўхшаб сарсон юрганлар ҳам бор экан. Ноилож, улар билан бирга ходимларнинг тушликдан қайтишини кутдик.

– Табиий газ йўқлиги учун 2016 йил октябрь ойида хонадонимдан газ қувурини уздириб ташлаганман, – дейди Андижон шаҳар Деҳқонобод маҳалласи Хидиралиев кўчасида яшовчи меҳнат фахрийси Аҳмадали Аҳмедов. – Ўшанда айтилган қарзни тўлаганман, газ қувури узилгани ҳақида далолатнома ҳам тузилган. Уйимни ўғлимнинг номига ўтказмоқчиман. Нотариал идорага газдан қарзим йўқлиги ҳақида маълумотнома ҳам тақдим этишим керак экан. Ёшим 70 ни қоралаб қолди, фарзандларим ҳаммаси ишда, мен нафақадаман. Шунинг учун ҳужжатларни ўзим тайёрлай дегандим. Лекин бунчалик сарсон бўламан, деб сира ўйламагандим. Хуллас, маълумотнома олиш учун газ идорасига бордим. Менга 382 минг сўм қарзингиз бор, дейишди. Ахир, 2016 йилда газ қувурини уздириб ташлаганман, бу ҳақда далолатнома тузилган, деб далолатномани кўрсатдим. Текшириб кўришиб, «Далолатнома компьютерга киритилмаган экан. Энди бу қарздорликни йўқ қила олмаймиз», дейишди. Нореал қарздорликни йўқотиш учун газ идораси раҳбарларига учрадим, лекин муаммо ҳал бўлмади. Ноилож айтилган қарздорликни тўладим. Маълумотнома олиш билан шуғуллана бошлаганимга тўрт кун бўлди, қанча овора бўлдим. Далолатнома туздириб, МИБга келсам, «Юқоридаги қарзингизнинг 65 минг сўм пеняси бор экан, уни ҳам тўлайсиз», дейишди. Пластик картадан тўламоқчи бўлсам, газ идораси вакилида терминал йўқ, денг. Ноилож нақд тўладим. Билмадим, бундай асаббузарликларнинг охири бормикан?

...Ходимлар тушликдан қайтди. Муҳр бостириш учун учинчи қаватдаги ҳисобхонага кирдик. Маълумотнома бланкасига бўлим (ГТХКЧ бўлими) мутахассисига қўл қўйдириб, чиқинг дейишди. Айтилган бўлим ходимининг олдига кирдим. Қўлимдаги маълумотномани олиб, компьютердаги базаси билан солиштирди. Хонадонимнинг газ ҳужжатлари бор-йўқлигини сўради. «Ҳаммаси жойида шекили, келгуси сафар келсангиз, ҳужжатларни ҳам олиб келинг, текшириб қўйишимиз керак», деб имзо чекилган маълумотномани қўлимга тутқазди. Яна ҳисобхонага кирдим. У ердаги ходим мендан олдин ёнига кирган ҳамкасбига нималарнидир узоқ тушунтирди. Ниҳоят менга юзланиб, нима хизмат, деди.

Мен маълумотномага муҳр қўйдириш учун кирганимни айтдим. У маълумотномани махсус китобга рўйхатга олди, қайд рақамини қўйиб, муҳр босди. Рўйхатга олиш китобига маълумотнома олганим ҳақида имзо қўйдим. Ниҳоят, узоқ уринишлардан кейин маълумотнома қўлимга тегди.

Менга маълумотномани тақдим этган ҳисобхона мутахассисига:

– Нима учун фуқаролар бир энлик маълумотнома олиш учун шунча сарсон бўлиб юрибди. МИБ идорасида ўтирган газ идораси вакили ўша ернинг ўзида маълумотномани расмийлаштириб бериши мумкин эмасми, деб сўрадим.

У эса, бу масалани ҳал этиш унинг ваколатига кирмаслигини, раҳбарият ҳал этишини, «Маълумотлар учун» деган ёзувли муҳрни у ерда ўтирган ходимга бериш мумкин эмаслигини тушунтирди.

Муаммони қандай ҳал этиш мумкин, ахир бундай ҳолат доимий равишда давом этиши мумкин эмаску? Шунда у ўз мулоҳазаларини қуйидагича билдирди: «Газ ҳисоблагични ким текширяпти? МИБ ходими. Ким хатлов далолатномасини тузяпти? Яна МИБ ходими, тўлов ҳам асосан МИБ орқали амалга оширилмоқда. Демак, истеъмолчининг қарздор эмаслиги тўғрисидаги маълумотномани ҳам МИБ бериши керак. Ана шу тартиб жорий этилса, менимча, юқоридаги каби муаммолар юзага келмайди».

Аслида, маълумотномани газ идораси берадими, МИБ берадими, фарқи йўқ, фақат одамлар сарсон бўлмаслиги керак! Мақсад – шу.

Бу биргина маълумотнома олиш учун мен бошимдан кечирган саргузаштлар! Сизда ҳам бўлса ёзинг, қани, кўрайлик-чи, қайси биримизнинг саргузаштимиз ғаройиброқ экан.

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

**Муассис:** «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Дилфуза Хабибова**

**Таҳририят ҳамкорлари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** 90-720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 93-466-74-84.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1007.
2349 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ўктамов.
**Навбатчи** – А. Турсунов.

ЎзА якуни – 00.10. Топширилди – 01.10.

1 2 3 4 5